# ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИМИЗ — ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИККА!

(Боши 1-бетда).

Бундан буён ана шундай камчиликлар билан муроса қилиб бўлмайди. Энди бундай хўжасизлик, исрофгарчилик учун фақат область ва район агросаноат бирлашмаларигина эмас, балки колхоз-совхозларнинг раҳбарларига нисбатан ҳам талабчанлик кучайтирилади. Депутатларнинг хўжалик экономикаси масалаларига актив аралашувлари ҳам муҳимдир.

Ўн иккинчи беш йилликда,— дея давом этди докладчи,— меҳнаткашларнинг пул даромадларини ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва харид қилиш қобилияти кескин ошади. 1990 йилда ноистеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5 баравар кўпайтириб, уларнинг сифатини ошириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, уларнинг тури ҳам кўпайтирилади. Чакана товар обороти ҳажмини спиртли ичимликлар реализациясини ҳисобга олмаган ҳолда 1,3 баравар кўпайтириш планлаштирилган.

Шу муносабат билан савдонинг моддий-техника базасини ривожлантириш соҳасида кескин силжишга эришиш лозим. Бу айниқса, матлубот кооперациясига тааллуқлидир. Область матлубот жамияти корхона ва ташкилотлари ўтган ярим йилда чакана товар обороти ҳажмига нисбатан 29 миллион сўм кам бердилар. Бу соҳадаги савдо корхоналарининг ярми топшириқни уддалай олмаяпти. Область матлубот жамияти раҳбарлари (А. В. Ли, М. З. Микаэлян, Р. А. Исломов ўртоқлар) ўз ишларига танқидий муносабатда бўлмаяптилар. Бунинг устига ишни барбод қилаётган лавозимли шахсларга нисбатан муросасозлик қилмоқдалар. Бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди. Шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳар бир савдо корхонаси, саноат иши билан яқиндан танишиб, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятларини кузатишлари керак. Савдо корхоналарини қолоқликдан олиб чиқиш лозим.

План лойиҳасида 1990 йилга бориб хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,7 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Ҳозир эса аҳоли жон бошига 24 сўмликдан камроқ хизмат кўрсатилмоқда. Бу Болтиқбўйи республикаларидагига нисбатан бир неча баравар камдир. Паркент, Янгийўл, Оққўрғон, Оҳангарон ва Бекобод районларида эса областнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам паст. Область бўйича ярим йиллик маиший хизмат плани бажарилмай қолди.

Маиший хизмат системасида планни қандай бўлмасин бажаришга интилиш туфайли, майда партияларда маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ошиб, айрим ўринларда 80—90 процентга етмоқда. Натижада савдода ўтмай қолаётган бундай тайёр моллар ҳозир 3,5 миллион сўмликни ташкил этмоқда. Маиший хизмат бошқармаси бошлиғи ўртоқ Азимов бу ишда активлик кўрсатиши, тармоқ ишини яхшилашнинг йўлини излаб топиши, шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эса зарур хоналар ажратиб беришлари керак. 28 та колхоз ва совхозда, 147 та корхонада область маиший хизмат корхонаси учун хона ажратиб берилмаган. Пулли хизматни ривожлантириш муҳим ишдир. Унинг ҳажми беш йилликнинг охирига бориб ўтган йилдаги 135 миллион сўмдан 260 миллион сўмга кўпаяди. Турар-жой коммунал хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, алоқа, юстиция, савдо, область касаба союзлари Совети, физкультура ва спорт комитети ташкилотлари ҳам шу йўлдан боришлари керак.

Докладда халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа социал соҳаларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс тадбирлар тўла шарҳлаб берилди. 84,4 минг ўринли мактаб ва 21,1 минг ўринли мактабгача бўлган болалар муассасалари фойдаланишга топширилади. Булар ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 ва 1,3 баравар кўпдир. Ўқувчилар сони кўпаяди ва ҳунар-техника билим юртлари базаси мустаҳкамланади. Шу билан бирга мактабларни ислоҳ қилиш ҳозирча суст бормоқда. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш сифати, компьютер соҳасидаги билимларни эгаллаш бўйича жиддий ўзгаришлар бўлмаяпти, КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ана шу масалаларга эътибор берилди. Мактаб ислоҳотини амалга оширишни қатъийлик билан тезлаштириш керак.

Шифохоналардаги ўринлар сони ва поликлиника хизматлари даражаси ҳали жуда паст. Шунинг учун ҳам план лойиҳасида ўтган беш йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўп шифохона ва 1,3 баравар кўп поликлиника қуриб ишга тушириш назарда тутилмоқда. Медицина хизмати сифатини ошириш область соғлиқни сақлаш бўлими ва унинг жойлардаги органлари учун энг асосий вазифа бўлиб қолмоғи керак. Область соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлиги — М. Ф. Бекнозова, Р. Т. Султонов, И. Р. Конрад ўртоқлар учун тармоқдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни активлик билан бартараф этиш, иш самарадорлигини кескин ошириш пайти келди. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова бу соҳадаги иш билан чуқурроқ ва конкретроқ шуғулланиши, кадрларга нисбатан талабчанроқ бўлиши керак.

Республика партия активи йиғилишида, деди ўртоқ Абдураҳмонов, социал адолатнинг ҳамма ерда ва ҳар доим ҳам тантана қилавермаслиги, ўн минглаб кишиларнинг ҳеч қаерда ишламай, пешона тери билан топилмаган маблағлар ҳисобига яшаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтган 6 ой давомида ички ишлар органлари томонидан рейдлар ўтказилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини областдан ташқарига олиб чиқиб кетаётган 800 дан кўпроқ юк ва автомобиль машиналари ушланди ва 20 минг тонна сабзавот, мева мусодара қилинди. Улар орасида «Ташоблтрансэкспедиция» (И. Ш. Шомансуров), Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз (Қаршибоев), «Узплодоовощтранс»нинг биринчи автотранспорт корхонаси (А. М. Маҳкамов), Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 11-автобазаси ва бошқа ташкилотларнинг транспорт воситалари бор. Текширув шуни кўрсатдики, ташқарига олиб чиқиб кетилаётган ана шу маҳсулотларнинг асосий қисми колхоз ва совхозларнинг далаларидан ўғирланган. Ўтган ярим йил ичида ОБХСС ходимлари областда ўнлаб ана шундай ҳодисани аниқлашди. Область ички ишлар бошқармаси ўз ишини активлаштириши керак ахир. Шаҳар ва район ижроия комитетлари қонунни муҳофаза қилувчи органлар жамиятимизда текинхўрларча яшаётган кишиларга нисбатан кўриладиган чораларни фақат қатъийлаштирибгина қолмай, балки тарбиявий, ташкилотчилик ва профилактика ишларини ҳам кучайтиришлари лозим.

Докладчи экономикада бугун юзага келаётган сифат силжишлари ҳақида тўхталар экан план ва молиявий органларнинг ўз ишига янгича ёндошиши зарурлигини уқдириб ўтди. Афсуски, бўлим ва бошқармалар аппаратлари ходимлари янгиликка ҳамон суст эътибор бермоқдалар, ўзлари бошқараётган тармоқлардаги ишни қайта қуриш тўғрисида таклифлар киритмайдилар, улар фақат маълумотларни тўплаш ва қоғозбозлик билан шуғулланмоқдалар. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Йўлдошев ва унинг ўринбосарлари иш услубларини тубдан ўзгартиришлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, бўлимлар ва бошқармалар, корхона ва ташкилотлар билан алоқани янада мустаҳкамлашлари ва шу йўл билан планлаштиришни, иқтисодий ва социал программалар комплексини ишлаб чиқишни, уларни бажариш устидан назорат ўрнатишни, экономикани бошқариш юзасидан конкрет таклифлар тайёрлашни таъминлаш соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланишлари лозим.

Яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси маҳаллий Советларнинг ролини ва уларнинг социал-иқтисодий ривожланиш планларини бажаришдаги масъулиятини ошириш чораларини маъқуллади. Советлар ўз территорияларида ҳақиқий хўжайин даражасига ҳали кўтарилганларича йўқ. Улар корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар экономикасига кам, кўп ҳолларда эса истар-истамас аралашмоқдалар. Турар-жой, мактаб, болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш муддатлари бузилаётган, савдо ва маиший хизматни ривожлантириш яхши таъминланмаётган бир пайтда маҳаллий Советлар бу ишларга лозим даражада таъсир ўтказмаяптилар, масалани сессияда кўриш, қолоқ участкаларда депутатлик постларини ташкил этиш, тегишли ташкилотлар раҳбарларига сессияларда сўров билан мурожаат қилиш каби таъсирчан воситалардан фойдаланмаяптилар.

Биз ишни шундай қайта қуришимиз керакки, ҳар бир депутат, ҳар бир доимий комиссия маълум иш участкасига оталиқ қилсин, ишни яхшилашнинг актив ташкилотчиси бўлсин. Ахир, Советларга катта ваколатлар бериб қўйилган. Бу эса бизнинг ҳаётга, экономиканинг аҳволига нисбатан одамлар ҳақида қайғуришдаги масъулиятимизни ҳам оширади.

Шубҳа йўқки, деди пировардида ўртоқ Абдураҳмонов, областнинг 12 минг депутати ўз фаолиятларини янада активлаштириб, бутун куч-ғайратларини белгиланган планларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этадилар.

*ДЕПУТАТЛАР ТАКЛИФ КИРИТАДИ, МАСЛАҲАТ БЕРАДИ, ТАНҚИД ҚИЛАДИ*

# БАРЧА РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

**Б. С. КАМОЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари**

Район ва Нариманов шаҳри меҳнаткашлари ўтган ярим йилликда ўз олдиларида турган вазифани асосан уддаладилар. Планга қўшимча 2 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Капитал қурилиш плани бажарилди. Ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди ва тайёрланди.

Аммо тезроқ бартараф этишимиз зарур бўлган камчиликларимиз ҳали кўп. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари Советларнинг партия группалари ва коммунист депутатларнинг бутун ишни қайта қуришдаги активликларини оширишга, уларнинг ҳамма ерда дадил ҳаракат қилишларига эришгани йўқ.

Партиянинг бугунги кунда турар-жой қурилишини кенг қулоч ёйдириш масаласига қандай аҳамият бераётганлиги маълум. Бизнинг районимиз маркази бўлган Тўйтепа шаҳрида канализациянинг йўқлиги туфайли турар-жой қурилиши оқсаб қолаяпти. Маданият саройи, алоқа уйи ва бошқа объектлар ҳам шу сабаб билан тўхтатиб қўйилди. Бу муаммони ҳал этишда область ижроия комитетининг ёрдами зарур.

**С. Н. ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси**

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми партия XXVII съездида ишлаб чиқилган стратегик йўлдан бориб жамиятни шу беш йилликда жадал ривожлантиришнинг аниқ йўлларини белгилаб берди.

Бизда ҳам Янги-Ангрен ГРЭСи, у билан биргаликда энергетиклар шаҳри Нурободнинг кенгайиши мўлжалланган. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ нурободликларнинг социал талаб ва эҳтиёжлари қондирилмаётганлиги кескин сезилиб турипти. Посёлкада маданият ва маиший хизмат уйлари, шифохоналар, поликлиникаларнинг типовой бинолари, спорт комплекслари йўқ, савдо корхоналари, турар-жойлар етишмайди.

Ўзбекистон ССР Энергетика министрлиги ҳамда «Узбекгидроэнергострой» трестининг ёрдамисиз бу қолоқликни бартараф қилиб бўлмайди. Юқорида тилга олинган объектларнинг ҳаммаси истиқбол планларида ҳисобга олинган. Бироқ, кадрлар соҳасидаги жиддий муаммолар республика Энергетика министрлиги ва «Узбекгидроэнергострой» трестидан бу объектларни энди ҳеч ҳам орқага сурмай, зудлик билан қуришга киришишни илтимос қилишга мажбур этмоқда. Бу, сўзсиз, Янги Ангрен ГРЭСи ва барча ишлаб чиқариш коллективларининг бир маромда ишлашларини таъминлашга ёрдам берган бўлур эди.

**Н. Ф. КУРНОСОВА,**
**область тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ғалаба районидаги кийимларни якка буюртма билан тикиш ва ремонт қилиш фабрикаси тикувчиси**

Биз янги беш йилликни бир маромда бошлай олмадик. Районимизда биринчи ярим йиллик план 95,1 процент бажарилди холос. Зотан, маиший хизмат объектлари ёмон аҳволда бўлган бир пайтда планнинг бажарилиши тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин. Масалан, районимиздаги кўпгина сартарошхоналар ремонттталаб ҳолга келиб қолганлиги учун санитария-эпидемиология станцияси ходимлари уларни ёпиб қўйишди. Марказдаги ҳаммом эса мана тўрт ойдирки ишламайди. Юқори ташкилотларга қайта-қайта қилинган мурожаатлар беҳуда кетмоқда.

Районимиздаги кўпгина колхоз, совхоз ва саноат корхоналарида ҳам маиший хизмат турлари яхши ривожланмаган. Ҳатто шундай аҳоли пунктлари борки, у ерда ҳеч қандай хизмат кўрсатилмайди. Ўзим ишлаб турган фабрикадан ҳам истаганча мисол келтиришим мумкин. Эскириб кетган асбоб-ускуналарни алмаштириш тўғрисида қайта-қайта гапираяпмиз. Аммо аҳвол ўзгармай қолаяпти. Партия талаб қилаётганидек, ҳеч қандай наф бермаётган қуруқ гаплардан амалий ишга ўтиш пайти келди-ку, ахир.

**В. В. ДАВИДЮК,**
**«Узбекхиммаш» заводининг қозон-пайвандлов цехи қозончиси**

Партия ва ҳукуматимиз табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилишга мунтазам жиддий эътибор бериб келмоқда. Бунинг учун катта маблағлар ажратилади. Бироқ шунга қарамай, бизнинг тенгсиз табиий бойликларимиздан ҳамма ерда ҳам оқилона фойдаланилавермайди.

Биз чирчиқликлар учун экология муаммоси, айниқса жиддий бўлиб турипти. Саноат корхоналаримиз ҳар куни ҳавога беҳисоб зарарли моддалар чиқаради. Шунинг учун ҳам шаҳримиз республикадаги ҳавоси энг ифлос шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бунга «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати кўпроқ «ҳисса» қўшмоқда. Бундан ташқари «Электрохимпром» бирлашмасидан чиқаётган оқавалар Чирчиқ дарёси сувини булғаб, катта зарар келтирмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳар Совети ижроия комитети, саноат корхоналари раҳбарлари аҳволни тузатиш учун ғайрат кўрсатишяпти. Аммо бу ҳали оз. Кўпгина корхоналаримиздаги тозалаш иншоотлари эскириб кетган.

Шаҳримиз ишчиларининг фикри аниқ ва қатъий: хизмат, гражданлик вазифаси ва бурчини бажаришга лоқайд қараётганлардан фақат илтимос қилиш, огоҳлантириш, уялтириш билан кифояланиш, пайти ўтди, энди уларга нисбатан чора кўриш керак.

Шаҳримиз аҳолиси ёзнинг айни иссиқ кунларида дуч келаётган яна бир қийинчилик ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Кўпгина турар-жой микрорайонларимиз ёз бошланганидан сўнг сув билан таъминлаш бўйича қатъий графикка ўтказилади. Шу билан бир вақтда «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида сувнинг айланма ҳаракат цикли йўқ бўлганлиги учун химиклар кўплаб тоза ичимлик сувдан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланадилар. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай хато ишга чек қўйиш пайти келди.

# ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ТУБ ЎЗАГИ

Товоқсой маиший химия фабрикаси коммунистлари ёш ишчи Рузаевни яхши ниятлар билан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилган эдилар. Лекин у коллектив ишончини оқламади. Юриш-туришда, ишда ўзгариш ясамади. Аксинча ичкиликка берилиб ҳушёрхонага тушди, ўзига ишонч билдирган коммунистлар юзига оёқ тиради.

Хўш, шундай бетайин кишиларни партия аъзолигига қабул қилиш мумкинми? Албатта, йўқ. Коммунистлар уни муҳокама қилиб партия аъзолигига кандидатликдан чиқардилар. Бу қарорни район партия комитети бюроси ҳам тасдиқлади.

Воқеадан кўриниб турибдики, корхона партия ташкилоти Рузаевни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишдан олдин уни ҳар томонлама ўрганмаган. Рекомендация берган коммунистлар ҳам энди афсусланмоқдалар. Лекин кейинги пушаймондан фойда йўқ. Бундай масъулиятсизлик билан улар ўз обрўларига путур етказдилар.

Партияга тасодифий кишиларнинг кириб қолишига қарши кураш ҳар бир коммунистнинг виждон иши бўлмоғи керак. Бинобарин, КПСС XXVII съездида ҳам партия сафларининг тозалиги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, партияга тасодифий кишилар кириб қолишига мутлақо йўл қўймаслик, партияга мансабпарастлик ёки бошқа ғараз мақсадлар билан кирмоқчи бўлган кишилар йўлига қатъий ғов солиш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

КПССга аъзолик масаласи партия қурилишидаги туб масалалардан биридир. Район партия комитети бу масалага КПСС XXVII съезди талаблари асосида ёндошмоқда. Биз КПССга қабул бўйича кейинги йилларда бажарилган ишларни атрофлича таҳлил қилдик. Шунда йўл қўйилган камчиликлар, тўпланган тажрибалар яққол кўринди.

Кейинги йилларда партия Устави талабларидан чекинган коммунистларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилмоқда. 1981—1985 йиллар ва 1986 йилнинг биринчи квартали мобайнида жиноий хатти-ҳаракатларга йўл қўйган бир неча ёш коммунист партия сафларидан ўчирилди. 12 нафар КПСС аъзолигига кандидат синов даврида ишончни оқламаганлиги учун КПСС сафидан чиқарилди. Кўриниб турибдики, баъзи партия ташкилотлари ёш коммунистларни тарбиялаш, кандидатлик стажининг аҳамиятини оширишда талаб даражасида иш олиб бормаганлар. Партияга қабул қилиш вақтида Устав талабларига риоя этилмаган, кўнгилчанлик қилинган, КПСС сафларига кирувчиларнинг сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатлари чуқур ўрганилмаган. Айрим коммунистлар рекомендация беришга масъулият билан қарамаганлар. Рекомендация берувчи КПСС сафига кирувчи учун партия олдида жавобгар эканлигини ҳис этмаган.

Район партия комитети камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, комсомол-ёшлардан партияга қабул қилиш ва уларни тарбиялашда ишнинг синалган форма ҳамда усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Рекомендация берувчининг масъулиятини бутун чоралар билан оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Партия ташкилотларида рекомендация берган коммунистларнинг ҳисоботларини планли равишда тинглаб бориш йўлга қўйилди. Масъулиятни ҳис этмаган айрим коммунистлар жазоландилар.

Умуман район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Қирғизистон партия ташкилотининг партия сафларига қабул қилиш ва КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қароридан хулоса чиқариб қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Райком бюросида мазкур қарорнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама этиб бориляпти. Кейинги йилларда шу масалада «Хўжакент», «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозлари, 125-автокорхона партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланди.

Партияга қабул масалалари муҳокама қилинаётган йиғилишларда райком ходимларининг қатнашиши яхши анъанага айланди. Кейинги вақтлар 2-, 97-кўчма механизациялашган колонналарда илғор қурувчилардан Н. Кароманов, Т. Мирзараҳимов, Н. Турғунбоев КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар. Шу йиғилишларда район партия комитети ташкилий ишлар бўлими инструктори Н. Харанцева, «Хўжакент» совхози, район алоқа бўлими, Ғазалкент консерва заводи партия йиғилишларида эса райком вакиллари Ф. Бадалбоева, А. Кошкинбоев, Т. Тошматов иштирок этдилар.

Улар йиғилиш олдидан қабул масалалари билан атрофлича шуғулландилар. Партия ташкилоти секретари, бюро аъзолари, рекомендация берувчилар ўз тақдирини партия билан боғлашга қарор қилган ёшлар билан суҳбатлашдилар.

Суҳбатларнинг бирида район партия комитети ходимлари «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози бригада бошлиғи Р. Расулматовнинг партия сафига тайёр эмаслигини аниқладилар. Партия ташкилоти ҳам бунга иқрор бўлди. Р. Расулматовга конкрет топшириқлар бериб яна синашда давом этди.

Партияга кирувчига рекомендация берувчи коммунистнинг масъулиятини оширишга эътибор кучайиб бормоқда. Яқинда «Хўжакент» совхози кекса ишчиси Д. Имонқулов сут соғувчи У. Азимбоевага КПСС аъзолигига кандидатликка ўтиш учун рекомендация берди. У рекомендация беришдан олдин ўзича мулоҳаза юритди. У. Азимбоева билан бир неча бор суҳбатлашди. У. Азимбоева эса бундай обрў-эътиборли коммунистнинг рекомендация беришини ўзи учун шараф деб билди. КПССга кандидатлик даврида кекса коммунист билдирган ишончни тўла оқлаяпти. Ишлаб чиқаришда илғор ташкилотчи бўлди. Партия топшириқларини виждонан бажаряпти.

КПСС сафини муносиб комсомол-ёшлар ҳисобига ўстириш партия ташкилотларининг структурасини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир 138 та бошланғич, 140 та цех партия ташкилоти, 108 та партия группаси фаолият кўрсатмоқда.

Лекин ҳамма жойда ҳам рекомендация берувчилар партияга қабул масаласига масъулият билан ёндошяптилар деб бўлмайди. Айрим партия ташкилотларида партияга кирувчиларга берилаётган рекомендациялар бир-бирига ўхшаш бўлиб қолаяпти. КПССга кирувчиларнинг камчиликлари кўрсатилмайди, истаклар билдирилмайди. Қуруқ мақтовлардан иборат бўлиб қолади. Бундай ҳоллар эндиликда қаттиқ қораланмоқда. Жумладан, район ички ишлар бўлими партия ташкилоти йиғилишида нообъектив рекомендация берган коммунистлар жиддий муҳокама этилиб партиявий жазо берилди.

КПССга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари билан район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси актив шуғулланмоқда. Партия комиссиясининг 11 аъзоси бор. Улардан 8 нафари бевосита халқ хўжалигида меҳнат қилади. Мавжуд 138 бошланғич партия ташкилоти комиссия аъзоларига бириктирилган. Улар жойларда бўлиб партияга қабул масалаларини чуқур ўрганмоқдалар, партия ташкилоти секретарларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Район партия комитети бюро мажлисларида партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш масалалари мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда. Кейинги вақтларда «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 125-автокорхона, «Хўжакент» совхози, Чотқол геологоразведка экспедициясида партия ташкилотларининг партия сафларини ўстириш, ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятлари кўриб чиқилди. Бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Тошкент олий партия мактаби партия қурилиши кафедраси билан ҳамкорликда КПСС сафига қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш мавзуида илмий-амалий конференциялар ўтказдик. Партия ташкилотлари секретарларининг семинар ва кенгашлари бўлиб ўтди. Партия сафларининг ўсиши ҳар ойда таҳлил қилиб бориляпти.

Ёш коммунистларнинг сиёсий билим ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Кечки марксизм-ленинизм университетида 45 КПСС аъзолигига кандидат ва ёш коммунист сиёсий билимини ошираяпти. Район партия комитети, «Ленинград» колхози, «Госкомсельхозтехника» район бўлими, «ЧарвакГЭСстрой», Устарасой кони партия комитетлари ҳузуридаги ёш коммунистлар мактаблари актив фаолият кўрсатмоқда.

Лекин айрим жойларда бу муҳим партиявий ишга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Масалан, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози, «Чорвоқ» совхози каби хўжаликларда КПСС сафини ўстириш, ёш коммунистлар билан ишлаш талаб даражасида деб бўлмайди.

Район партия комитети партия сафларининг сифат составини яхшилаш, ёш коммунистларни тарбиялаш ишини янада такомиллаштириш, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг меҳнаткашларни КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишдаги ролини кучайтириш йўлида зарур бўлган ҳамма чораларни кўраверади.

**Ў. КАРИМБЕРДИЕВ,**
**Бўстонлиқ район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири.**

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН*



✦ «СИГНАЛ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструкторлик бюроси ходимлари пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар учун кўплаб янги ускуна ва мосламалар ишлаб чиқишмоқда. Шунингдек, улар метеорология станциялари учун ҳам аниқ приборлар тайёрлаб беришяпти. Суратда: ёш коммунистлар, монтаж участкасининг бригадири Елена Антонова ва 4-разрядли йиғувчи слесарь Владимир Новиков Чернобиль атом электр станциясида фойдаланишга мўлжалланган автомат метеорология станциясини йиғишмоқда.

А. Кошкин фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ САРИ

ТЕХНИКА тараққиётисиз ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Буни тўғри англаб етган Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводи коллективи бу борада маълум ишларни амалга оширди ва келгуси режаларни белгилаб олди. Ҳозир корхонани техник қайта қуроллантириш ва реконструкция ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, механика-йиғув цехида газ билан детални тоблайдиган тўртта замонавий агрегат ишга туширилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган деталларнинг хизмат муддати 7 баравар узаядиган бўлди. Қуйиш цехида ўрнатилган янги қолиплаш машиналари меҳнат унумдорлигини 80 процент ошириш имконини яратди.

Яқин кунлар ичида 4 қаватли мотор ремонти цехи корпуси ишга туширилади. Бу ерда технологик ускуналар монтажи ниҳоясига етиб қолди. Цех фойдаланишга топширилгач дизель двигателларини ремонт қилиш йилига 300 донага ортади.

Шунингдек, тайёрлаш цехи қурилиши бошлаб юборилди. Миллион сўмлик лойиҳа-смета асосида бунёд этилаётган бу цех ишлаб чиқаришни тайёр материаллар билан таъминлаш муаммосини тўла ҳал этади.

М. ДОКТОРОВ.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

# ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ЁРДАМИ БИЛАН

БУНДАН йигирма йил муқаддам Тошкентдаги 12-ҳунар-техника билим юрти ўз фаолиятини бошлаган эди. Шу даврда унинг ўқув-моддий базаси янада мустаҳкамланиб, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш сифати янада яхшиланди.

Малакали ёш қурувчи кадрлар тайёрлаб бераётган билим юртига Тошкентдаги иккинчи уйсозлик комбинати оталиқ қилмоқда. Унинг яқин ёрдами билан бўёқчилик иши устахонасида касб танлаш кабинети намунали жиҳозланди.

Ишчи ўринбосарлари даргоҳининг босиб ўтган ана шу йўли билан танишмоқчи бўлган киши унинг музейига марҳамат қилиши мумкин. Жамоатчилик асосида ташкил этилган бу музейда анчагина экспонат тўпланган. Улар орасида ёшларнинг ўзлари тайёрлаган турли буюмлар ҳам бор. Манзарали темир панжаралар, эшик ва дераза блоклари, мебеллар, қурилиш асбоб-ускуналари намуналари кўпчилик эътиборини ўзига тортади.

Билим юртида яқинда тайёрланган фотостендда эса машғулотларнинг боришини акс эттирувчи материаллар, меҳат ветеранлари ва аълочи ўқувчиларнинг фотосуратлари билан танишиш мумкин. Шунингдек, иккинчи уйсозлик комбинати ҳамда «2-Отделстрой» тресті ҳаётига бағишланган материаллар яққол кўзга ташланиб турибди.

